

# ОЛТОЙ ТИЛЛАРИ ОИЛАСИ ВА УЛАРНИНГ ЯПОН ТИЛИГА ҚАРИНДОШЛИГИ МУАММОСИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДҚИҚОТЛАР ТАХЛИЛИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.15567971>

**Кудратулла ОМОНОВ**  
филология фанлари доктори, профессор

**Аннотация.** Мақолада асосий эътибор олтойшунослик (алтаистика) ўйналишининг юзага келиши ва қиёсий-тарихий тилишуносликнинг муҳим бўлими ўлароқ катта тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтганлиги ҳақида сўз боради. Шунингдек, япон тилининг олтой тилларига оидлиги назарияси, бу қарашнинг тарафдорлари бўлган олимларнинг тадқиқотлари таҳлил этилган. Бундан ташқари тилишуносликда олтой тилларнинг қиёсига бағишиланган замонавий фундаментал тадқиқотлардан А.Дибонинг “Олтой тиллари этимологиясида семантик реконструкция (M. 1996)” ва С.А.Старостиннинг “Олтой муаммоси ва япон тилининг юзага келиши” (M, 1991) номли тадқиқоти фан тарихи нуқтаи назаридан ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** қиёсий-тарихий тилишунослик, олтойшунослик, умумолтой лексикаси, Г.Рамстедт, А.Дибо, умумий олтой бобо тили, С.Старостин, японбобо (протояпон) тили.

**Аннотация.** В статье рассматривается возникновение направления алтаистики и его историческое развитие как важной отрасли сравнительно-исторического языкознания. Также анализируются теории родства японского языка с алтайскими языками, исследования ученых, поддерживающих эту точку зрения. Кроме того, среди современных фундаментальных исследований по сопоставлению алтайских языков в языкознании с точки зрения истории науки выделяются работы А. Дибо «Семантическая реконструкция в Алтайской этимологии» (M., 1996) и С.А. Старостина «Алтайская проблема и происхождение японского языка» (M., 1991).

**Ключевые слова:** сравнительно-историческое языкознание, алтаистика, общая алтайская лексика, Г. Рамстедт, А. Дибо, общеалтайский пражзык, С. Старостин, протояпонский язык.

**Annotation.** The article examines the emergence of the Altaic studies direction and its historical development as an important branch of comparative-historical linguistics. It also analyzes the theories of the relationship of the Japanese language with the Altai languages, and the studies of scientists who support this point of view. In addition, among modern fundamental studies on the comparison of the Altai languages in linguistics from the point of view of the history of science, the works of A. Dibo "Semantic reconstruction in Altai etymology" (Moscow, 1996) and S.A. Starostin "The Altai problem and the origin of the Japanese language" (Moscow, 1991) stand out.

**Key words:** comparative-historical linguistics, Altaic studies, general Altaic vocabulary, G. Ramstedt, A. Dibo, common Altaic proto-language, S. Starostin, proto-Japanese language.


XVIII–XIX аср тилшунослигининг асосий тадқиқот обьекти қиёсий-тарихий тилшунослик муаммоларига қаратилган эди. Натижада, дунё тиллари оиласи хусусидаги илмий концепсия ишлаб чиқилди. Дунёда кенг тарқалган тил оиласидан бири сифатида Олтой ёки Урал-олтой тиллари оиласи номи билан юритилувчи гурух тан олинади. Фанда олтойшунослик (алтаистика) йўналиши юзага кела бошлади. Олтойшунослик - қиёсий-тарихий тилшуносликнинг бўлими ўлароқ олтой тилларини ўрганувчи фан тармоғи саналади [1]. Олтойшуносликнинг бош илмий мақсади олтой тиллари оиласига мансуб тилларнинг келиб чиқиши ва структур-типологик умумийлиги муаммоларини ҳал этишга қаратилган. Ушбу тил оиласи таснифи билан шуғулланган тадқиқотчилар фикрича, унинг уч асосий тармоғи қўрсатилади [2]. Булар: 1. Турк-мўғул тармоғи (туркий ва мўғул гуруҳи тилларини ўз ичига олади). 2. Тунгус-манжур тармоғи (тунгус ва манжур гуруҳи тилларини ўз ичига олади). 3. Япон-корейс тармоғи (япон ва корейс тилларини ўз ичига олади).

Урал-олтой тиллари оиласи қариндошлиги ғояси XVIII асрнинг охридан бошлаб илгари сурила бошланган. XIX юзийилликнинг 30 йилларидан бошлаб Олтой макроиласи тилларига финн угор ва урал тилларини ҳам киритиш бошланган. Ф.И.Страленберг, В.Шотт, О.Бётлингк, Г.Винклер, М.Кастрен, Ю.Немет, В.Банг, А.Вамбери ушбу илмий қарааш тарафдорлари ўлароқ тадқиқотлар олиб борган.

Олтой тиллари қариндошлиги гипотезасига тиллардаги умумолтой лексиканинг мавжудлиги, фонетик-фонологик тузилишнинг ўхшашлиги (сингорманизмнинг учраши), морфологик қурилишининг яқинлиги (тилларда агглютинатсиянинг борлиги), синтактик қурилмаларнинг бир хиллиги сингари жиҳатлар асос бўлган.

Япон ва корейс тилларининг Олтой тилларига оидлиги назарияси XX асрнинг 20 йилларидан бошлаб илгари сурилди. Бу қараашнинг тарафдорлари сифатида Г.Рамстедт, Е.Поливанов, Н.Поппе, Б.Владимирцов, В.Синсиус, Л.Герсемберг, Н.Баскаков, Б.Базилхан, Ш.Хаттори, Ш.Озава, С.Старостин, Т.Томортогоонинг илмий тадқиқотларини қўрсатиш мумкин. Япон ва корейс тилларининг олтой тилларига қариндошлиги ғоясига В.Котвич, Ж.Клоусон, Г.Дёрфер, Л.Лигети, А.Шчербак қарши чиқишган. Ушбу олимлар фикрига кўра бу тиллар ўртасидаги ўхшалик узоқ муддатли алоқалар ва тилларнинг ўзаро чатишиши натижасидир деб қўрсатилади.

Рус туркологи Н.А.Баскаков “Олтой тиллари оиласи ва унинг ўрганилиши (М. 1981)” номли монографиясида олтой тилларининг қардошлиги билан боғлиқ қуйидаги жадвални келтираган.



Олтой тиллари оиласига киравчи тилларнинг қардошлиги тўғрисидаги илмий қарашлар, айниқса, XX асрга келиб яна жиддий тус олди. Чунончи, Г.Рамстедт, З.Гомботс, П.Пеллио, Н.Поппе, Н.Баскаков сингари мутахассислар олтой тилларининг қиёсий фонетикаси, қиёсий лексикологияси, қиёсий морфологияси йўналишларида чоғиштирма-типологик тадқиқотлар олиб боришиди.

Ушбу тадқиқотлар ичида атоқли фин олим Г.Рамстедт изланишлари алоҳида аҳамият касб этади. Унинг сўз ясалиши билан боғлиқ қиёсий тадқиқотлари олтой тиллари оиласига киравчи тилларнин фактларини тўлиқ қамраб олгани билан характерланади. Хусусан, у олтой тилларида кўлланаётган кўплаб лексик бирликларнинг генетик илдизи бир манбага бориб тақалишини кўрсатган. Масалан, қора маъносини билдирувчи туркийдаги *qara* япон тилидаги *kuro* шунингдек, нарсаларни қаттиклигини билдирувчи туркий тилдаги *qattiq* (қатиғ- эски туркий тилда), мўғулчадаги *qatag‘i*, тунгусчадаги *qata* япон тилидаги *katay* сифатлари этимологияси бир асосдан эканлигини исботлаб берган [3].

Ўтган асрнинг 70 йилларида Россия тилшунослик мактабида олтойшунослик тадқиқотларига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, “Олтой тилларининг умумийлиги муаммоси (1971)” [4], “Олтой тиллари лексикологисининг қиёси (1972)” [5] сингари фундаментал тадқиқотлар дунё юзини кўрди.

Шу ўринда, тилшуносликда олтой тилларнинг қиёсига бағишиланган замонавий фундаментал тадқиқотлардан бири А.Дибонинг “Олтой тиллари этимологиясида семантик реконструкция (М. 1996)” илмий изланишларини ҳам айрича таъкидлаш ўринли бўлади. У ўз тадқиқотида барча олтой тиллари оиласига киравчи умумий олтой бобо тилининг айrim лексик қатламларини тиклашга ҳам муваффақ бўлган. Шунингдек, олим ўз монографиясининг якунида қуйидаги холосани беради: “При внимательном рассмотрении традиционного корпуса алтайских сближений оказывается, что в него

просочилось довольно много таких старых заимствований. Следует, однако, подчеркнуть, что при самом сугубом отборе остается достаточно много безупречных с точки зрения вопроса о заимствовании сопоставлений для утверждения о генетическом характере алтайской общности” [6].

Бевосита япон тилининг олтой тиллари оиласига мансублиги тўғрисидаги монографик тадқиқот сифатида С.А.Старостиннинг илмий ишларини қайд этиш ўринли бўлади. У “Олтой муаммоси ва япон тилининг юзага келиши” (М, 1991) номли тадқиқотида япон тилини узил-кесил олтой тиллари оиласига таалуқлилиги тўғрисидаги илмий қарашларни асослаб берган.

Олимнинг тадқиқотида японбобо (протояпон) тили ва туркийбобо (прототуркий) тилида қўлланган 100 та стандарт сўздан 18 та мос келиш ҳолати мавжудлиги қўрсатилган: "ок" (\*sirua- : \*sārī-g < \*siārī-), "ҳамма, бутунлай" (\*mui-na : but-un < \*mut'Ε), "сох" (\*ka- : \*kīl < \*k'īlV), "ёқмоқ" (\*dak- : \*jak- < \*dakV), "юлдуз" (\*pəsi : \*jul-du-í < \*p'iūlV), "тош" (\* (d)isi : \*dāl < \*tiōla), "пустлок" (\*kara : \*Kāp-uk < \*k(‘)āp’i), "бир" (\*pitə- : \*bir < \*birV), "келмоқ" (\*kə- : \*gal- < \*galE), "ит" (\*inu : \*it/\*it < \*jinta), "ухламоқ" (\*uj- : \*u- < \*juja), "турмоқ" (\*tat- : \*dur- < \*č(u)rV), "қуруқ" (\*kaw(V)ra-k : \*kir- < \*k(‘)awVrV), "қора" (\*kurua- : \*Kara < \*k(‘)ara), "ним - сўроғи" (\*nV : \*na < \*jia-), "бу - олмоши" (\*k(o) : \*kə < \* k(‘)ō), "мен - олмоши" (\*ba- : \*ba < \*ba-), "мы" (\*ba- : \*bi-í) [7].

Бундан ташқари С.Старостин Олтой оиласига мансуб тилларнинг асосий лугат бойлигининг ўзаро қариндошлиқ даражасини миқдор жиҳатдан қуидагича баҳолаган. 100 та сўздан туркийбобо (прототурк) тили билан 18 та, протомўғул тили билан 17 та, прототунгус-манжур тили билан 15 та ва ўрта корейс тили билан 25 та мос келиш ҳолати мавжудлигини қўрсатиб берган. Бу эса унга умумолтой оиласи тилларининг ўзаро қариндошлигини ҳамда корейс ва япон тилларини бу оила ичидан бир гурухга бирлаштириш учун асос бўлган [8].

С.А.Старостин тадқиқоти хulosасида шундай ёзди: “Все вышеизложенное позволяет нам со значительной уверенностью утверждать, что японский язык относится к алтайской семье (причем внутри этой семьи он, по-видимому, больше всего сближается с корейским), а все австронезийские элементы, которые в нем обнаруживаются, являются сравнительно недавними заимствованиями, проникшими в японский язык из австронезийского субстрата” [9].

Умуман, олтой тилларига мансуб тилларнинг бизгача етиб келган энг қадимги ёзма ёдгорликларида қўлланган тил материали асосида олтой бобо тилининг лексик бирликлари корпусини яратиш ва улар орқали олтой бобо тилининг табиятини ўрганиш олтойшуносликнинг келгусидаги вазифалари қаторида туради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ:

1. [Алтайское языкоzнание //Казахстан. Национальная энциклопедия.](#).– Алматы: [Қазақ энциклопедиясы](#), 2004.– Т.1. Стр.196
2. Баскаков Н.А. Алтайская семья языков и ее изучение. М., 1981. Стр.15
3. Ramstedt G. A Comparison of the Altaic Languages with Japanese. 1924 S. 14
4. Проблема общности алтайских языков. Л.: Наука, 1971
5. Очерки сравнительной лексикологии алтайских языков. Л.: Наука, 1972
6. Дыбо А.В. Семантическая реконструкция в алтайском этимологии. М., 1996
7. Старостин С.А. Алтайская проблема и происхождение японского языка. М., 199. Стр.167
8. Старостин С.А. Алтайская проблема и происхождение японского языка. М., 199. Стр.183
9. Старостин С.А. Алтайская проблема и происхождение японского языка. М., 199. Стр.183

